

---

## Бағдодлик тадбиркор: “ASAD-Тех” фаолиятини тўхтатмайди, аксинча, янада ривожланади

Бағдоддаги “ASAD-Тех” ип йигирув корхонаси фаолиятини тўхтатяпти экан, оқибатда юзга яқин хотин-қизлар ишсиз қоларкан, деган гап-сўзлар ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди (бу муҳокамалар ҳали-ҳамон давом этмоқда). Кўпчилик тушуниб-тушунмай, масаланинг асл моҳиятини назардан қочириб, муаммонинг ечимини тадбиркордан эмас, балки туман ҳокимидан қидиришди. Гўёки, тадбиркорнинг касодга учрашидан, ишсизлар сони ортишидан туман ҳокими манфаатдордек.

Йўқ! Мутлақо ундай эмас! Бунинг исботи ўлароқ, Бағдод тумани ҳокими Восилжон Назаров бугун “ASAD-Тех” жойлашган ҳудуд – 3-сектор раҳбари Жаҳонгир Ҳасанов ҳамроҳлигида тадбиркор Шавкатжон Усмонов билан учрашиш, вазиятни манзилли ўрганиш мақсадида ушбу корхонага борди.

- Тўғриси, сал ўнғайсиз вазият бўлди, - дейди биз билан суҳбатда тадбиркор Ш.Усмонов. – Туман ҳокими ва сектор раҳбари шахсан келиб, корхонамиз муаммоси билан қизиққанлари мени хурсад қилди, албатта. Ижтимоий тармоқда айрим юртдошларимиз вазиятни бўрттириб юборганлари рост. Аслида, ҳар қандай масалани ўзаро кенгашган ҳолда ҳал қилиш мумкин. Мана, туманимиз ҳокими ва сектор раҳбари билан дўппини бир жойга қўйиб, ҳаммасини гаплашиб-келишиб олдик. Ишонтириб айтаманки, “ASAD-Тех” фаолиятини тўхтатмайди, аксинча, раҳбарларимизнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан уни янада ривожлантирамыз. Ҳафта ўртасида россиялик ҳамкорларнинг ташрифи кутиляпти. Улар корхонамизга 3-4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни ва қўшимча ишлаб чиқариш линияларини қуришни таклиф қилишмоқда. Меҳмонларни туман ҳокимининг ўзи шахсан кутиб оладиган бўлди. Ҳафта охирига қадар фаолиятни қайта тиклашни мақсад қилганмиз.

Тадбиркорнинг қўшимча қилишича, корхона ишчиларига июль ойи учун ойлик иш ҳақлари тўлиқ тўлаб берилган. Ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаган ишчилар билан эса меҳнат шартномаси тугатилган.

Қўшимча маълумот: “ASAD-Тех”да ишдан бўшаган 22 нафар ходим бугун қўшни Бувайда туманида айна шу йўналишда фаолият юритувчи хусусий корхонага ишга жойлаштирилди. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати тез орада ушбу корхонада бўлиб, улар билан суҳбатлашишни режаллаган.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2021-08-02 21:15:32